



УЧТАДАН

ТОШ КЕЛТИРИБ

Қадимда, XVII асрда Москвага келган савдогарлар бу ерга келатганда қўнига тош солиб келишган. Нега бундай қилишган деб ўйлар-сиз.

1705 йили Пётр 1 Москва кўчаларини ободонлаштириш учун Кремль ва Китайгороддаги йўللарга тош ётқизди-ради. Ушунда тош йиғиш учун бутун мамлакатга алоҳида солиқ солинган эди. Сарой, монастырда хизмат қилувчи кишиларга ва боярларга ўз ерида ишловчи деҳқонларнинг сонига қараб тош солиғи солинарди. Савдогарлар ҳам худди шундай солиқ тулаганлар.


Деҳқонлар савдо билан шуғулланиш учун Москвага ҳар келганида қоровулларга роз тухумидек келадиган ута тош топширишлари шарт эди. Москвадаги кўпгина кўчаларга шу тариқа тош ётқизилган эди.

КЕЧКИ
ОВҚАТГА—
КАКТУС!

Копал—Европада кактус турларидан бири шундай атайиб, у манзарали ўсимлик сифатида танилган, бироқ Мексикада—анъанавий озиқ-овқат ҳисобланади. Мамлакат пойтахти яқинида, масалан, ўн беш квадрат километр кактусзор билан ўралган Малпа Алпа қишлоғи жойлашган.

Ҳар йили маҳаллий аҳоли фақатгина ана шу тиканли ўсимликдан тайёрланган таомлар истеъмол қилинади. Шубҳасиз кактуслар тиканларидан ҳоли этилиб қайнатилади, қовурилиб турли зирворлар, шў жумладан қалампир ва саримсоқ билан димланади. Сўнгги анъанавий байрамда ҳаттоки кактусли мармалад намойиш этилиди.

Бош пландан бир лавҳа



«Ирригатор» квартали

Шаҳримизнинг қўркам жойларидан бири айланувчи «Ирригатор» кварталда дастлабки объектлар қурила бошлади. «Таштипрогор» лойиҳа институтининг мутахассислари тайёрлаган лойи-

ҳага қўра янги турар жой квартални Учтительская ва Пушкин кўчалари оралиғидаги етти гектарли майдонни эгаллайди.

Бу ерда 9, 16 қаватли замонавий уйлар қурилади.

Кварталнинг марказий қисмида яшил зона, хёбонлар ва фавворалар барпо этилади. СУРАТДА: «Ирригатор» турар жой кварталининг макетдаги кўриниши. М. Нуриддинов фотоси.

Куз неъмат—қиш ғанимати

САБЗАВОТ
КОНСЕРВАЛАРИ

СИРКАЛАНГАН БОДРИНГ

Консерва қилиб қишга сақланадиган бодринг кузги кечпишар, янги узилган бўлиши керак, сўлиганларини тоза совуқ сувга 3-4 соат ботириб «шартириб» олинг. Бодринг катта-кичиклиги ва узун калталигига қараб сараланиди. Бунда майдалари кичик банкаларга, катталари баллонларга мўлжалланади. Эгри-бугрилари эки бир қаричдан ортиқ узунлиқдагилари қоқ ўртасидан кундаланг бўлинади. Бодрингларни аччиқ банди кесиб ташланади. Кесилми олдидан совуқ сувда яхшилэб ювилади ва қайноқ сувга 2 минутча ботириб блакирировка қилинади. Суви циркугач банкаларга тикка қилиб жойланади. Орасирасига тозалаб ювилган ҳрен илдизи эки барги, укроп, қизил қўзоқ қалампир, бир неча дона саримсоқ парраклари жойланади.

Бодринг жойланган банка ва баллонларга қайноқ маринаддан тўлатиб қуйиб, қопқоғи ёпилади ва ёғочтаглик ўрнагининг кастролкадаги сувга баллоннинг елкасигача бостириб стерилизация қилинади. Муддати: 0,5 банкалар учун 8-10 минут, 1 литрлиси учун 12-15 минут, 2 литрли баллон учун 20-25 минут, 3 литрлиси учун эса 30-35 минут давоминда қайнатилади. Стерилизация давоминда идншдаги бодринглар пишиб, оралиғиди ҳавонини тепага ҳайдайди ва маринад ҳам кўтарилади, бир оз тўкилиши ҳам мумкин. Тайёр бўлган, махсус қисқич ёрдамида баллонларини сувдан олиб қопқоғи қўл машинаси ёрдамида маҳкам беркитила-

ХАР КИМ ЎЗ
ХОҲИШИЧА УХЛАЙДИ

«Ўзингни бил ва шунга мувофиқ иш тут!» — мюнхенлик психолог Йенс Кроссеннинг уйқусизликдан азоб чекувчиларга мурожаат этиб, берган маслаҳати ана шундай. Ҳақиқатан уйқу ҳар бир кишининг ўзига хос бўлиб, баъзиларга олти соатгина кифой қилса, бунинг устига тун пайтида бўлиши шарт бўлмаса, бошқалар ўрнида узоқроқ чўзилиб ётишни ёқтирадилар. Бироқ, кейинги вақтда уйқу давомийлигининг қисқариб бораётганлиги тенденцияси кузатишмоқда — ҳатто болалар ҳам камроқ ухламоқдалар. Кроссен уйқусизликка қарши тўб репетларни таклиф этмайдди. Аммо, қадимий бир халқ олатини эслатиб ўтади. Бунда ағалари уйга бир тун ухлаш учун итларини кийитиб қўйганлар, шундан сўнг жонивор ухлаш учун танлаган жойига ўз қаравотларини жойлаганлар.

ОЖИЗА РАССОМ

Фин рассом аёли Форес шаҳрининг Сирнка Пайоу болалигида касаллик оқибатида кўриш қобилиятини йўқотганлиги туфайли ўзи чизган расмларини кўрмайди, у ҳидига мувофиқ чизади. «Ҳар бир ранг-бўёқ, — дейди у, — ўз ҳидига эга. Шунга мувофиқ пайнаслаб қўрилганда улар хилма-хил. Масалан, низил менинг бармоқ учларимда иссиқликни қўзғаса, мовий ранг совуқни ҳис этади. Қўпичча Сирнка натормортлар, баъзида портретлар чизади.

М. КАРИМОВ.

Ф. ОРИПОВ тўплаган.

БАДҲАЗМ
ОДАМ

(Шингил ҳажвия)

Ҳар галгидек ошхона зали тушки овқатлашш учун чиқган ишчи-хизматчилар билан гавжум. Қўзлари олазарак Салим ўнг томондаги столда овқатланётган тўрт киши тепасига келганда бирдан тўхтаб қолди:

— Салом бердик, қалайсизлар, яхши овқатланаясизларми!... — «хи-хи»лаб қулиб қўйди у. — Кеча мен бир лекция эшитдим. Биласизларми... — бидирлаб узундан-узун гапирди.

Овқат таъовул қилаётганлар бир-икки чайналиб, унга хўрайиб қараб ҳам қўйишди, ҳеч кимдан садо чиқмагач, Салимнинг ҳафсаласи пир бўлди:

— Ҳа майли, биз ҳам овқатланайлик, иштаҳанглар қандай...

У шундай деди-ю, навбат олиш учун уч-тўрт қадам қўйди ва залнинг нарғи чеккасида овқатланётган ҳамкасбларига кўзи тушди, дарҳол ўша томонга қадам ташлади.

— Э, салом алайкум, қалайсизлар!

Ўтирганлар ноилжон бош чайқашди-да, овқатланишда давом этaverишди.

— Каримжон, кечаги ёзган ҳисоботингизни кўриб чиқдим. Менимча унга яна аввалги йилларда олдинга қўйилган лойиҳага қўшсангиз яхши бўларди. Ҳа, балки бир умумий жадалга жойлаштирасизми!...

Энди Салим бошқа йиғитга гапирди бошлади:

— Муҳрин, кечаги мўлжалланган тажрибани ўтказдингизми, натижаси қалай!...

Муҳрим қўлдаги қошиқни тарелкага бир оз қўйиб, жавоб ўрнига ўқрайиб қараб қўйди. Бу Салимга таъсир этди, эки янги «масалалар» кўпчилигиданам, шу стол атрофида ўтирган Ҳакимга ўтирилди:

— Ҳакимжон, анаву журналга заказ юборган эдингиз, нусхаси келдики, келган бўлса биз ҳам кўриб чиқайлик!...

Ҳеч қандай жавоб бўлмагач, Салим навбат кутаётганлар томон икки қадам ташлади. Овқатланётган йиғитлар эндигина «ууф!» дейишга улғуришган ҳам эдики, Салим орасига ўтирилди:

— Ҳа, айтгандай, иштаҳангларга қандай!

Насрулла АЛИЕВ.

Ҳикматнома


МЕҲНАТ
ШАРОФАТИ

- Дунёдаги ҳамма яхшиликларнинг боши меҳнатдир.
- Бакнинг онаси — ғайрат, отаси — меҳнат.
- Меҳнат одамга улғулик бағишлайди.
- Меҳнатдан бахт топган хор бўлмайди.
- Оруларнинг қаноти — меҳнат.
- Жасоратни меҳнатда синанган панд емайди.

- Меҳнат — соғлиққа қафолат.
- Ғайрати борнинг — шиквати бор.
- Меҳнат қилиб яшаган, чаман бўлиб яшайди.
- Ҳалол меҳнат — умрга лаззат.
- Меҳнатдан қочган бахтидан айрилади.
- Ҳунар — меҳнатнинг султони.

САЛОМАТЛИК
САОДАТИ

- Дил оғритганинг тили оғрийди.
- Бемор кўнгли — гулдан нозик.
- Соғлиқ қадрини билмаган — ҳаёт қадрини билмас.
- Дард ботмонлаб келиб, мисқоллаб кетади.
- Шифокорнинг ширинсуҳани — беморнинг жон малҳами.
- Инсон умри нурдек ўтади, унинг ёруғидан эиё бахш этиш керак.
- Хастага ҳасратингни айтма!
- Ширин тил хаста дилда гул очилтиради.
- Бемор бўлган тазм (меза) билмайди.



Мафтун этиб

Мафтун этиб, мафтун этиб,

бул оқшом дилрабо келди, Карам айлаб, карам айлаб, шакар гуфтор зебо келди.

Ҳар ён муаттар бўй тараб гулзорима ажиб гулрў — Боғу баҳор, боғу баҳор тоза сўбҳи сабо келди.

Улфат бўлай деб ул ширин айлабки андайлиб лол — Базмим аро, базмим аро

шўхдан шўх бир наво келди.

Аслан, хувайдо кўнглини олай деб илтифот бирла Хандон-хушон, хандон-хушон —

дил дардимга даво келди.

Ошиқ эди, Абдумажид, қачонким ноумид бўлди —

Ноз-ноз қилиб, ноз-ноз қилиб,

алҳол қоши қаро келди.

Яшил дорихона

КАНАКУНЖУТ

Канакунжут Ўзбекистоннинг ҳамма районларида ёғ олиш ва манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади. У бир йиллик, бўйи икки метргача етадиган ўт-ўсимлик бўлиб, пояси тик ўсувчи сершоҳ, туксиз, чўзиқ тухумсимон, тишсимон қиррали, 5 — 11 тагача бармоқсимон бўлакча ажралган. Барг пластинкасининг марказига ўрнашган узун банди билан пояда кетма-кет жойлашган. Гуллари шингилга жойлашган. Меваси тикон билан қопланган, уч чаноқли ва уч уруғли, пишганда очиладиган қўсак. Июнь-сентябрь ойларида гуллайди, меваси июль-октябрда пишиб етилади.

Ўсимлик мевалари етилиб пишганда йиғиб олиниб, қуритилиб, тозалаб уруғи ажратилади. Уруғидан ёғ олиш учун заводларга юборилади. Ўзги таркибда мой, оқсил моддалар, рицинин алкалоиди, яна заҳарли модда — рицин бор. Табобат бобоналоини Абу Али ибн Сино янчилган канакунжут уруғи билан (баъзан сирка аралаштириб) турли шилларни даволаган.

Илмий медицинада канакунжут мойи энг яхши сурғи сифатида ишлатилади. Шунингдек мойи, мой эмульсияси, уруғидан тайёрланган паста гинекологияда ҳамда кўз касалликларини, яраларни, куйганини, лейшманоэ ва бошқа тери касалликларини даволашда кенг қўлланилади.

Канакунжут мойи соч ўсишига ёрдам бериб, яна унинг мойидан олнган ундецилен кислотанинг суртмаси билан баъзи тери касалликларини (дерматозлар, псориоз ва бошқалар) даволашда, яна мойи баъзи суртма дорилар таркибига киртади.

Канакунжут мойи соч ўсишига ёрдам бериб, яна унинг мойидан олнган ундецилен кислотанинг суртмаси билан баъзи тери касалликларини (дерматозлар, псориоз ва бошқалар) даволашда, яна мойи баъзи суртма дорилар таркибига киртади.

Канакунжут мойи соч ўсишига ёрдам бериб, яна унинг мойидан олнган ундецилен кислотанинг суртмаси билан баъзи тери касалликларини (дерматозлар, псориоз ва бошқалар) даволашда, яна мойи баъзи суртма дорилар таркибига киртади.

Т. МАХМУДОВ, биолог.

Қилмиши қора арақ

Шаробдан ичган тунд авзолар ҳам очилиб кетди, Ичиндагини топ деган тиллар ечилиб кетди.

Қадаҳ сўярулар айтиб ширин сўз эҳтиром бирла Ки, мардум билмас сир-асрорлар ҳам очилиб кетди.

Шароб сўхбатни авж олдирай шўм фитнасини бошлаб — Ҳасад, ғийбатдан мўъжаз лаблар ҳам бичилиб кетди.

Вале, қочиб гап — қирчиллама қиш қайради шамшир... Ки, кимдир сўқиб, мушт дўлайиб ким, соч илиб кетди.

Э воҳ, ул ҳурмат, обрў-ю дўстлик, меҳрибон қани — Товуққа сочган дондек «дўстлар» ҳам сочилиб кетди.

Абдумажид ШОМИРЗАЕВ.



«Оҳ-оҳ, жуда ширин экан-ку!»

Р. Шарипов фототюди.

